2018 йил 12 июль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (13.727)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Жорий йилнинг 15-17 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Икки томонлама савдо алоқаларини кенгайтириш, олий таълим ва академик тадқиқотлар, қишлоқ хўжалиги ва энергетика соҳаларида ҳамкорлик, Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида иштирок этиш борасидаги ўзаро англашув, 2018 йилда Тошкентда Марказий Осиё савдо форумини ўтказиш тўғрисидаги келишувлар ушбу ташрифнинг амалий натижаларидан бири бўлди.***

Энергетика мамлакат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланади. Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари айни соҳада кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз АҚШнинг "Sky Power Global" ва "General Electric" каби йирик энергетика компаниялари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирининг **"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Шуҳрат Шералиев** билан суҳбати юртимизда энергия самарадорлигини таъминлаш, муқобил энергияни ривожлантиришда мазкур компаниялар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ҳақида бўлди.

**– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифи доирасида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти ва Американинг "General Electric" компанияси ўртасида битимлар имзоланган эди. Ушбу келишув ҳақида маълумот берсангиз?**

– Ташриф доирасида "Ўзбекэнерго" АЖ ва "General Electric" компанияси ўртасида имзоланган битимлар "Тошкент ИЭС" (иссиқлик электр станцияси) ҳудудидаги буғ-газ қурилмаси негизида янги Н-турли турбиналарни қўллаш орқали электр энергиясини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида юқори кулли кўмирни ёқиш эвазига электр энергиясини ишлаб чиқариш технологиясини танлаш ва қуришни ўз ичига олади.

Келишувга мувофиқ "General Electric" компанияси "Тошкент ИЭС"да қуввати 370 МВтга тенг буғ-газ қурилмасини қуриш" лойиҳаси бўйича асосий ускуналарнинг етказиб берувчиси ҳисобланади. Шунингдек, мазкур компания "Тахиатош ИЭС"да қуввати 230-280 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш" инвестиция лойиҳасига кўра, ГТ1, ГТ2 газ турбиналари ускуналари ва генераторини етказиб беришни ўз зиммасига олган.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда "General Electric" компанияси кўмагида "Тошкент ИЭС" буғ-газ қурилмасида ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳажми 370 МВтга етди. Бу мамлакатимиз энергия тизимини ривожлантириш йўлидаги ҳамкорликнинг амалий натижасидир.

**– "Тошкент ИЭС" ҳудудидаги буғ-газ қурилмаси негизида "General Electric" компанияси томонидан таклиф этилаётган янги технологиялар қанчалик самарадор?**

*(Давоми 2-бетда)*

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**

***Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти (ҳозир Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси)нинг ташкил топганига 100 йил тўлгани муносабати билан "Олий ҳарбий таълим муассасасининг Қуролли Кучлар ва Ватан ҳимояси учун офицер кадрлар тайёрлашдаги тарихий ҳиссаси" мавзуида халқаро ҳарбий-илмий анжуман ўтказилди.***



## ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъуллари, МДҲга аъзо мамлакатлар ва бошқа давлатларда истиқомат қилувчи билим юртининг битирувчи-фахрийлари, Ўзбекистондаги хорижий мамлакатлар элчихоналарининг ҳарбий атташелари, Қуролли Кучлар фахрийлари ва ҳарбий хизматчилар иштирок этган тадбирда бир асрлик тарихга эга мазкур ҳарбий билим юрти мамлакатимизда янгича фикрлайдиган, Ватани ва халқига содиқ офицер кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллаётгани алоҳида таъкидланди.

Мазкур ҳарбий таълим муассасаси XX аср бошида ташкил этилган. Жумладан, 1900 йил Тошкент кадетлар корпуси, 1915 йил прапоршчиклар мактаби, 1918 йилда эса Туркистон совет қўмондонлиги курслари сифатида кўплаб малакали ҳарбийларни тайёрлаб берган. Таъкидлаш лозимки, 1921 йил 9 февралда Тошкент пиёдалар қўмондонлик таркиби мактаби, деб қайта номланган билим юртида ўзбек, тожик, туркман ва қирғиз миллатига мансуб курсантлар бўлинмаси шакллантирилди. Шу йилнинг 1 апрелидан ўқув дастурига ўзбек тили фани ҳам киритилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида билим юртида ўқиш муддати олти ой этиб белгиланди ва 1941 йил ўқитувчи ва курсантлардан иборат бригадалар ташкил этилди. Урушга сафарбар қилинган 8 мингдан ортиқ офицерларнинг 53 нафари қаҳрамон унвонига, мингдан зиёди давлат мукофотига сазовор бўлди. Билим юртида ҳозирги кунга қадар 156 битирув маросими ўтказилган. Битирувчиларнинг икки юздан ортиғи турли даврларда генерал унвонига эга бўлди.

– Билим юртида таҳсил олган йилларим Иккинчи жаҳон уруши арафасига тўғри келган, – дейди мазкур билим юртининг 1941 йилги битирувчиси, 95 ёшли истеъфодаги генерал-майор Абдулла Ортиқхўжаев. – Ўша пайтлари урушда офицерлар етишмасди. Мен ҳам сафдошларим билан Ватан ҳимояси йўлида урушга кетдим. Кейинчалик ҳарбий соҳада 65 ёшгача фаолият олиб бордим. Байрам муносабати билан ўзим таҳсил олган билим юртига келганимдан хурсандман. Яна ўша қадрдонларим билан кўришдим. Ёш ҳарбийлар билан суҳбатлашиб, навқирон ёшлик пайтларимга қайтгандай бўлдим.

Тантанали маросимда билим юртининг битирувчи-фахрийларига "Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига 100 йил" эсдалик нишони ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**А.МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Жаҳон банки президенти Жим Ён Кимнинг Америка Қўшма Штатларининг нуфузли "Foreign affairs" журнали сайтида чоп этилган таҳлилий мақоласи**

## ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ УЗИЛИШЛАР

### ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҲУКУМАТНИ ИНСОН КАПИТАЛИГА САРМОЯ ЙЎНАЛТИРИШГА ИШОНТИРИШ МУМКИНЛИГИ ҲАҚИДА.

Ҳукумат иқтисодий ўсишни таъминлашга интилар экан физик капитал – муҳташам кўприклар, янги йўллар, замонавий аэропортлар ва бошқа инфратузилмаларни барпо этишга инвестиция киритишга эътиборни қаратади.

Одатда, улар аҳоли саломатлиги, билим ва кўникмалари, тажриба ва турмуш тарзини ўзида мужассам этган инсон капиталига инвестиция киритишдан унчалик манфаатдор эмас. Бу катта хато, негаки, инсон капиталига инвестиция киритишга нисбатан бепарволик мамлакат рақобатбардошлилигини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Зеро, мамлакат иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши учун истеъдодли одамларни тарбиялаш талаб этилади.

Жаҳон банки гуруҳининг бутун фаолияти давомида экспертларимиз иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилувчи, одамларга камбағалликдан халос бўлишга ёрдам берувчи ҳамда ривожланаётган мамлакатлар тараққиётига сармоя киритиши мумкин бўлган ҳар бир жиҳатни ўрганди.

*(Давоми 3-бетда)*

**ХХI аср садоси**

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Нукус халқаро аэропортида соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга янги йўловчи терминали иш бошлади. Янги терминалнинг дизайни ҳудуд иқлим шароитига, миллий хусусиятларга мос равишда ишлаб чиқилган, яъни технология, хавфсизлик ва қулайлик ўртасидаги мувозанатга эришилган.**

**● Бухорода "Анор – 2018" ҳамда "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси – 2018" кўрик-танловларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**● Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Кармана туманидаги "Металлург" сиҳатгоҳида вилоятнинг олис туманлари аҳолиси учун 15 та "УАЗ" русумли тез тиббий ёрдам машинасини топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.**

**● Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Янгиобод маҳалласида аёллар учун фитнес клуб иш бошлади. Тадбиркор Гуландом Курбонова ташаббуси билан ишга туширилган соғломлаштириш маркази соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Замонавий фитнес клубда шуғулланувчилар учун барча шароит яратилган.**

**● Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ахборот-ресурс марказининг Фориш тумани филиалида улуғ қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Кўнонбоев ижодий фаолиятига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.**

**● Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида кам таъминланган, уй-жойга муҳтож 10 оилага янги уйларнинг калити тантанали равишда топширилди. Хонадонларда барча қулайликлар яратилди. 2 сотих ер майдони, 2 яшаш хонаси, ювиниш хонаси, ички ва ташқи ошхона замон талабларига тўла жавоб беради. Айниқса, тандир-ўчоқ ҳам борлиги уй бекаларини ғоят хурсанд қилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Буюк Британия Қироллик ҳарбий ҳаво кучларининг юз йиллиги муносабати билан Англия пойтахти Лондон шаҳрида авиашоу ташкил этилди.**

**● "Мария" тўфонининг Хитойга хуружи катта муаммоларни келтириб чиқарди. Шамолнинг соатига 187 километр тезликда эсиши натижасида хавфлиликнинг юқори даражаси эълон қилинди. Тўфон оқибатида кўплаб дарахтлар қулаб тушди, электр узатиш тизимлари издан чиқди, аэропортларда юзлаб рейслар бекор қилинди. Темир йўл транспорти ҳаракати тўхтатилди, мактаблар ёпилди, 150 минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозирда кучли тўфон мамлакатнинг шимолий-ғарбий қисмига ўтмоқда.**

**● "Формула-1" бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатининг Буюк Британия Гран-присида "Феррари" жамоаси вакили Себастьян Феттель зафар қучди ва Гран-при босқичларидаги ғалабалари сонини 51 тага етказди. "Формула-1"нинг тўрт карра ғолиби С.Феттель шахсий кўрсаткичлар борасида ҳам яққол етакчи (171 очко) бўлиб турибди. Навбатдаги Гран-при босқичи 20-22 июлда Германияда бўлиб ўтади.**

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

***Аввал хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттиз саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.***

Унда дастлаб халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган сайлов округларида 2018 йил 1 июль куни бўлиб ўтган депутатлар сайлови якунлари бўйича шаҳар сайлов комиссияси раиси Х.Каримовнинг ахбороти тингланиб, "Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган сайлов округларида ўтказилган депутатлар сайлови якунлари ва сайланган депутатларнинг ваколатларини эътироф этиш тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Сўнг Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси, бюджетнинг даромадлар базасини ошириш ва янги иш ўринларини барпо этиш бўйича 2018 йилнинг биринчи ярмидаги ижроси бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Ариповнинг ҳисоботи муҳокама этилди.

Ушбу масала бўйича қабул қилинган қарорда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда иқтисодиётни ўстиришнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолиш, айниқса саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг изчил ўсишини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт соҳасида йўл қўйилган камчиликларни, хусусан, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юборган, зарар билан ишлаётган корхоналар сонини камайтириш ҳамда ушбу масалаларни ҳал этишда туманда ташкил этилган ишчи гуруҳлари фаолиятини жонлантириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгартиришлар ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни таъминлаш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларини жадаллаштириш қайд этилди.

Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган объектларнинг белгиланган муддатларда ишга туширилиши, дастур параметрларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиш, лойиҳаларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни ўрганиб бориш ва уларни ўрнатилган тартибда ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда қувватларнинг белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш вазифалари қўйилди.

Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармаси, Иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Статистика бошқармаси, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси, туман ҳокимликларига 2018 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга йўналтирилган қўшимча дастурлар ва чора-тадбирлар ижроси юзасидан таъсирчан мониторинг олиб бориш белгиланди.

Кам таъминланган оилалар аъзоларининг бандлигини таъминлаш бўйича ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг Миллий вакансия базасига киритиш ва ишга жойлаштиришга йўлланмалар бериш йўли билан маҳаллаларда аҳоли, айниқса аёллар ва ёшларни ишга жойлаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича "йўл хариталари"нинг ишлаб чиқилиши ва ижроси таъминланиши лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятидан, якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган солиқ тушумларини тўлиқ қамраб олиш кераклиги таъкидланди.

Инвестиция лойиҳаларини, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан тушумларни ошириш, фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш ҳамда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тошкент шаҳрида маҳаллий бюджет ва маҳаллий бюджетлар даромадлари бажарилишининг ҳолати, улар томонидан қўшимча резервларни аниқлаш бўйича қилинган ишлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кесимида бюджетга ҳисобланган ва амалда тўланганлиги, улар бўйича солиқ қарздорлиги бўйича 2018 йил иккинчи чоракдаги фаолияти юзасидан Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нормат Турсуновнинг ҳисоботи тингланди.

Ушбу масаланинг кўриб чиқилиши жараёнида Тошкент шаҳар туман давлат солиқ идоралари раҳбарларининг маҳаллий бюджетлар даромадларининг бажарилиши ҳолати, улар томонидан қўшимча резервларни аниқлаш бўйича қилинган ишлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кесимида бюджетга ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ қарзини қисқартириш тўғрисидаги ҳисоботларини халқ депутатлари туманлар Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиб бориш тавсия этилди.

Давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ қонунчилигига мувофиқ, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишига, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига риоя қилинишини, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ миқдорда тушишини таъминлаш вазифалари қўйилди.

Шунингдек, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, ахборот-ресурс маълумотларининг ягона интеграциялаштирилган базасини юритиш асосида солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштириш, уларга кўрсатиладиган ахборот-маслаҳат хизматлари ва интерактив хизматлар соҳасини кенгайтириш, солиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Солиқ солишнинг янги объектлари ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича ахборотларни тақдим этиш мақсадида Ер ресурслари ва давлат кадастри, статистика, адлия, прокуратура органлари, судлар, "Электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти ва "Тошкентшаҳаргазтаъминоти" филиали корхоналари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилот ва идораларни солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базасига интеграция қилиниши чораларини кўриш таъкидланди.

Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг Тошкент шаҳар бюджети ижроси, шунингдек, ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадларининг қўшимча манбаларини шакллантириш ҳамда қўшимча манбалардан фойдаланиш йўналишлари, жумладан, маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг аниқланган резервлари бўйича 2018 йил иккинчи чоракдаги фаолияти юзасидан Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи Лутфулла Исматуллаев ҳисобот берди.

Унда бюджет даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2018 йил учинчи чорак учун белгиланган даромад прогноз кўрсаткичларининг сўзсиз ва барча манбалари бўйича сифатли ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўриш вазифаси топширилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Тошкент шаҳрида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида 2018 йил иккинчи чоракдаги фаолияти юзасидан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Рустам Жўраевнинг ҳисоботи тингланди.

Ушбу масала юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига 20 кунлик муддат ичида ички ишлар идоралари тизимида мавжуд камчиликлардан келиб чиқиб, ҳудудда қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш чораларини кўриш ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ахборот тақдим этиш топширилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига ҳар ўн кунда бир марта туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ва ички ишлар бўлимлари бошлиқларининг ўз ҳудудларида содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик тўғрисида таҳлиллар асосида ҳисоботларини тинглаб бориш, ҳар чоракда туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқлари ҳамда ҳар ойда уларнинг ўринбосарлари томонидан туманда содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик тўғрисида халқ депутатлари туман Кенгашларига ҳисобот бериш, жиноятларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш ҳамда профилактик ишларнинг олиб борилишида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Сессия кун тартиби бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Турдиқуловнинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш, уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, ташаббускорларни рағбатлантириш, уларнинг молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун объектив шароитлар яратишни ташкил этиш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фондининг янги таҳрирдаги Устави, Кенгаш комиссиясининг таркиби ва Бошқарув таркиби тасдиқланди.

Сессия давомида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг айрим доимий комиссиялари таркибига ўзгартириш киритилди.

Унга кўра, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Олмазор тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Рахмонов халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Шайхонтоҳур тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Гаибназаров халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси этиб сайланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Ш.Иргашев халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси таркибига, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Яшнобод тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Д.Турдиев халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси таркибига киритилди.

Сессия кун тартиби бўйича "Тошкент шаҳридаги Бодомзор йўли кўчасига буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов номини бериш тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар, шу жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи қонунлар бўйича атрофлича ахборот берилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

***Мамлакатимизда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жиноят кўчасига кириб қолишига йўл қўймаслик борасида доимий чора-тадбирлар олиб борилади.***

Албатта, бу борада қилинаётган ишлар ёшларни жиноятга қўл урмаслиги, ҳар хил ножўя ва қинғир ишлардан тийилишига хизмат қилади. Миллий қонунчилигимизда вояга етмаган ёшлар томонидан жиноят содир этилганда уларга кўриладиган чоралар белгилаб қўйилган. Жиноят Кодексининг 87-88-моддаларида вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги учун уларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари кўрсатилган. Унга кўра жабрланувчидан узр сўраш, 16 ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш, вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш чоралари кўрилади.

Хўш, ривожланган давлатларда вояга етмаган ёшлар томонидан жиноят содир этилганда қандай чоралар қўлланилади?

Айрим хорижий давлатлар қонунчилигида вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада ривожланган давлатларда ювенал юстициянинг ўрни муҳимдир.

Мисол учун, АҚШда махсус юрисдикцияли судлар тизимида алоҳида ўринни вояга етмаганлар суди ташкил этади. Вояга етмаганлар суди баъзан оила суди вазифасини ҳам адо этиши мумкин. Мазкур судлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигига оид ишларни кўради, бундан ташқари, болаларига ғамхўрлик кўрсатмай келаётган ота-оналарга нисбатан чоралар кўради, шароити оғир ёки бола тарбияси учун оилавий шароити тўғри келмайдиган оилалардаги болалар тарбияси масаласини назорат қилиб боради ҳамда оилавий низоларни ҳал қилишга ҳаракат қилади.

Россия Федерациясида эса Жиноят Кодексининг 87-моддасига кўра 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар вояга етмаганлар ҳисобланади. Уларга нисбатан огоҳлантириш, ота-онасининг назоратига топшириш, жабрланувчига етказилган зарарни қоплашга мажбур қилиш, бўш вақтини ўтказишни чеклаш каби чоралар кўрилади.

Францияда вояга етмаганларнинг жиноят ишини кўрувчи судлар ҳам бир неча категорияга ажратилган. Масалан, қасамёд қилганлар суди 16-18 ёшли вояга етмаганларнинг оғир жиноятларини учта малакали судья ва тўққизта маслаҳатчилар иштирокида кўради, 13-15 ёшли болаларнинг оғир жиноятларига доир ишлар, шунингдек, 13-18 ёшлиларнинг жиноий деликтлари ва жиддийроқ ножўя ҳаракатлари вояга етмаганлар иши бўйича трибуналлар томонидан кўрилади.

Германияда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги ҳам ўзининг ички ихтисослашганлиги билан эътиборга лойиқ. Вояга етмаганларнинг алоҳида суди бўлиб, у умумий судлар таркибига мустақил бўлинма сифатида кирган, 14-18 ёшли ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг ишини кўради. Мабодо бошқа умумий суд 21 ёшгача бўлган ёшларнинг хатти-ҳаракатини "ўсмирларча характерга эга" деган хулосага келса, уларнинг ҳам ишини вояга етмаганлар суди кўриши мумкин.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз қонунчилик тизимида ювенал юстиция институтини жорий этиш вояга етмаганлар жиноий жавобгарлик ҳолатини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Ш.ИСАЕВ,**
**ИИВ академияси 317-гуруҳ курсанти**



# 17 НАФАР ЁШ МУТАХАССИС КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА ТАЪЛИМ ОЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан Япония ҳукумати ўртасида "Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш" (JDS) лойиҳасини амалга ошириш бўйича битим имзоланди.***

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси ўринбосари Шуҳрат Вафоев ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нобуаки Ито Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда, жумладан, фан-таълим йўналишида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ёшларнинг замонавий билим олиши, малакали мутахассис бўлиб етишиши, истеъдодини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон ёшларининг жаҳон стандартлари асосида таҳсил олиши йўлида халқаро ҳамкорлик йилдан-йил ривожланмоқда. Мамлакатимизда дунёдаги кўплаб нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, турли хорижий давлатларда ёшларимиз билим ва тажрибасини оширмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш" лойиҳаси ҳам юртимиздаги турли давлат ташкилотлари, вазирлик ва идораларда фаолият юритаётган уч йиллик тажрибага эга ёш кадрларнинг Япониядаги нуфузли олий ўқув юртларида магистрлик босқичида таълим олишини таъминлаш, уларнинг билим ва тажрибасини оширишга қаратилган.

Бу лойиҳа 1999 йилдан буён Япония ҳукумати билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда. Ўтган вақт мобайнида 311 нафар ёш мутахассис кунчиқар мамлакатда банк-молия, иқтисод, сиёсат, тиббиёт, филология йўналишларида таҳсил олиб қайтган. Лойиҳа 2019-2020 йилларда 17 нафар ёш истеъдод эгаларининг Японияда таҳсил олишини назарда тутади. Унга 2,4 миллион АҚШ доллари миқдорида грант маблағи ажратилади.

Тадбирда фан-таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш борасида қилинаётган ишлар хусусида фикр алмашилди.

**Г.САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ:
# ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Ҳамкорларимиз соҳага инновацион технологияларни жорий этишда дунёда етакчилардан ҳисобланади. Чунончи, бизга таклиф этилаётган циклли электростанциялар газ ва буғ турбиналари, генераторлар, утилизация қозонлари, электростанцияларни бошқариш тизимлари ва ижтимоий тизимлар каби ускуналарни ўз ичига қамраб олади. Комбинацияланган барча циклли энергоблоклар 62 фоиздан ортиқ фойдали иш коэффициентига эга. Айни вақтда қурилмалар устида "General Electric"нинг тажриба майдонида ўтказилаётган синовлар муваффақиятли давом этмоқда.

"General Electric" компанияси Франциянинг Бушен электростанциясида ишга туширган 9 НА сериясидаги ускуналари юқори фойдали иш коэффициентига эга экани билан Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган. "Тошкент ИЭС" буғ-газ қурилмаси негизидаги янги технологиялар ҳам ана шундай юқори самарадорликка эга бўлишига ишонамиз.

**– "Ўзбекэнерго" билан "General Electric" ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?**

– Ўтган йилнинг сентябрь ойида "Ўзбекэнерго" АЖ раҳбарияти билан "General Electric" компаниясининг Марказий Осиё ва Озарбайжон бўйича минтақавий директори Бела Ференци ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида "Ўзбекэнерго" АЖнинг қуввати 450-650 МВтга тенг буғ-газ қурилмасини қўшимча ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, жорий йилнинг февраль ойида "General Electric" президенти ва бош ижрочи директори Рон Поллетнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга оид қўшма чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, келгусида "Тошкент ИЭС"да қуввати 660 МВтга тенг GE H тоифадаги турбиналар асосида буғ-газ қурилмаси бунёд этилади.

**– "Ўзбекэнерго" жаҳоннинг йирик муқобил энергия ишлаб чиқарувчи компанияларидан бири "Sky Power Global" билан ҳам алоқа ўрнатган. Айни ҳамкорлик мамлакатимизда қуёш энергиясини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишда муносиб қадам бўла оладими?**

– Диёримизда йилнинг ўртача 320 куни қуёшли эканини инобатга олсак, мамлакатимиз қуёш энергетикасидан фойдаланиш бўйича катта салоҳиятга эга. Бир сўз билан айтганда, юртимизда қуёш энергиясидан фойдаланиш орқали 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг қувват ишлаб чиқарилиши мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида қуёш энергетикаси имкониятларини ўзлаштиришга қаратилган технологик базаларни кўпайтириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ташкилотимиз билан "Sky Power Global" компанияси ўртасида 2018 йилнинг 19 апрелида "Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида" имзоланган битим ҳам ана шу жараён маҳсулидир.

Ушбу битимга мувофиқ "Sky Power Global" компанияси "Ўзбекистонда умумий қуввати 1000 МВтга тенг фотоэлектрик қуёш энергияси станцияси объектларини лойиҳалаштириш, молиялаштириш, бунёд этиш, уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш" лойиҳасини амалга ошириш учун 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилади. Натижада яқин 4 йилда мамлакатимиздаги йирик фотоэлектр станциялари сони сезиларли ортади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи, Вашингтонда бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар якуни бўйича эришилган келишувлар яқин ва ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериш билан бирга, энергетика соҳасида ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имкониятини яратди.

**– Суҳбат учун раҳмат!**

**Малоҳат ҲУСАНОВА**
**суҳбатлашди**

# ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ УЗИЛИШЛАР

## ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҲУКУМАТНИ ИНСОН КАПИТАЛИГА САРМОЯ ЙЎНАЛТИРИШГА ИШОНТИРИШ МУМКИНЛИГИ ҲАҚИДА.

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2003 йилда банк "Doing Business" номли илк йиллик ҳисоботини чоп этган ва унда солиққа тортишдан то шартномаларни бажаришгача бўлган ҳар бир мезон бўйича мамлакатларнинг қиёсий таҳлили ўтказилган эди.

Ҳисобот хулосаларини инкор этишнинг имкони йўқ. Сабаби давлат раҳбарлари ва молия вазирлари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар камайиши мумкинлиги билан боғлиқ таваккалчиликка дуч келди. Чунки компаниялар энг мақбул ишбилармонлик муҳитига эга мамлакатларга сармоя киритишни афзал билади. Кейинги 15 йилда "Doing Business" ҳисоботлари 3180 дан ортиқ ислоҳотни амалга оширишга кўмаклашди.

Бугунги кунда банк худди шундай ёндашувни илгари сурган ҳолда, ҳукуматларни инсонларга сармоя киритишга даъват этмоқда. Жаҳон банки гуруҳи вакиллари инсон капитали ходимларнинг кейинги авлоди иши самарадорлигига қандай таъсир кўрсатишини баҳолаш индексини ишлаб чиқмоқда.

Индекс шу йилнинг октябрь ойида Балида бўлиб ўтадиган Жаҳон банки гуруҳининг йиллик йиғилишида тақдим этилади. Унда бугун дунёга келган бола 18 ёшга етганда умид қилиши мумкин бўлган саломатлик ҳолати, шунингдек, таълимнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари акс этади.

Олимлар инсон капиталини ривожлантиришнинг афзалликлари ҳақида кўп нарсаларни билади. Бироқ бу ривожланган давлатларнинг шу йўналишдаги ҳаракатларини жадаллаштиришга ишончли даъват бўла олмади.

Сўнгги ўттиз йилда бой ва қашшоқ мамлакатларда ҳаёт давомийлиги бир-бирига яқинлаша бошлади. Таълим билан қамраб олиш кўрсаткичлари сезиларли равишда ортди. Бироқ муаммолар шу билан барҳам топмади. Беш ёшгача бўлган болаларнинг қарийб тўртдан бири тўйиб овқатланмайди, 260 миллиондан зиёд бола ва ёш мактабда ўқимайди, ривожланаётган мамлакатларда мактаб ёшидаги кичик болаларнинг 60 фоизида ҳамон минимал таълим олиш имконияти мавжуд эмас.

### Инсон салоҳиятининг аҳамияти

Инсон капиталининг аҳамиятини бир нечта турли усулларга асосан баҳолаш мумкин. Анъанага кўра, иқтисодчилар буни кўпроқ таълим олган одамларнинг даромади билан ҳисоблар эди.

Тадқиқотлар ҳар бир қўшимча таълим йили инсон даромадини ўртача 10 фоизга оширишини кўрсатди. Бунда таълим сифати ҳам муҳим. Мисол учун, АҚШдаги бошланғич мактабнинг алоҳида синфида малакаси паст ўқитувчини ўрта даражадаги мутахассисга алмаштириш ўқувчиларга бутун умри давомида 250 минг долларгача умумий даромад олиш имконини беради.

Аммо когнитив имкониятлар инсон капиталининг ягона кўрсаткичи эмас. Мардлик, ирода ва ҳалоллик каби ижтимоий-ҳиссий кўникмалар, одатда катта иқтисодий самарадорлик келтиради. Соғлиқ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Негаки, соғлом инсонларнинг меҳнат самарадорлиги юқори бўлади.

Мисол учун, 2015 йилда Кенияда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, болаларга нархи атиги 30 центга тенг гельминтларга қарши дори воситаларини бериш мактабда дарс қолдиришни камайтиришга, кейинчалик эса мустақил ҳаётга қадам қўйганда ойлик маошининг жами 20 фоизга ошишига олиб келди.

Эрта ёшдан инсон капиталини турли йўллар билан ўлчаб бориш яхши самара беради. Болани гўдакликдан тўғри овқатлантириш, соғлом ривожланишини рағбатлантириш кейинчалик унинг жисмоний ва руҳий фаровонлигини яхшилайди.

Айни пайтда болаликда когнитив ва ижтимоий-ҳиссий имкониятларда йўл қўйилган айрим камчиликларни балоғат ёшига етганда тузатиш қимматга тушади. Шунинг учун ҳукумат томонидан инсон капиталини бола ҳаётининг дастлабки 1000 кунлигида ривожлантириш иқтисодий самара беради.

Буларнинг барчаси иқтисодий ўсиш билан нечоғли боғлиқ? Биринчидан, инсон капиталига индивидуал сармоялардан олинадиган фойда қўшилса, умумий самара алоҳида қисмлар миқдоридан кўпроқ эканлиги аён бўлади.

Кениядаги мактаб ўқувчиларига қайтадиган бўлсак, биргина боланинг гельминтлардан халос бўлиши бошқа болаларнинг зарарланиш эҳтимолини камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг келажакда яхши ўқиши ва улғайгач нисбатан катта маош олишига олиб келади.

Инсон капиталини ривожлантиришнинг айрим афзалликлари жамланиб, сармоя киритилаётган авлод билангина чекланиб қолмайди. Масалан, онанинг фарзанднинг пренатал парвариши ҳақидаги билимини бойитиш болаларнинг гўдаклигиданоқ соғлиғини яхшилашга хизмат қилади.

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсон капиталига индивидуал инвестициялар умумлаштирилганда, турли мамлакатларда инсон капиталига киритилган инвестиция билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ўртасидаги тафовут 10 фоиздан 30 фоизгача бўлишини кўрсатди.

Мисол учун, XIX аср ўрталарида Бразилия зиёли европаликларнинг Сан-Паулога иммиграциясини рағбатлантирган. Натижада 100 йилдан сўнг бу штатда юксак даражадаги таълим, қишлоқ хўжалигига нисбатан саноатда кўпроқ бандлик, шунингдек, аҳоли жон бошига янада юқори даромад кузатилди.

Айниқса, таълим катта самарадорлик келтиради, шунинг учун у қашшоқлик кўламини қисқартиришда муҳим роль ўйнайди. Буни Гана тарихи ҳам тасдиқлайди: 1990 йилларда ва 2000 йиллар бошида мамлакат таълимга кетадиган харажатлар миқдорини икки баробар кўпайтириш орқали асосий кўрсаткичларни кескин оширишга муваффақ бўлди. Натижада 1999 йилдан 2012 йилгача мамлакатда саводхонлик даражаси 64 фоизга етди, қашшоқлик даражаси эса 61 фоиздан 13 фоизга тушди.

Таълимга киритиладиган сармоялар ҳам жамиятда ижтимоий тенгсизликни камайтириши мумкин. Аксарият мамлакатларда нисбатан ўзига тўқ оилаларда туғилган фарзандлар болаликданоқ кенг имкониятлардан фойдаланишни бошлайди ва бу бутун умри давомида қатор афзалликларга олиб келади, аксинча, ночорроқ оилалар фарзандлари бундай имкониятлардан фойдалана олмайди.

Бундай муаммони ҳукумат томонидан ҳал этиш бўйича саъй-ҳаракатлар амалга оширилганда иқтисодий тенгсизликнинг қисқариш тенденцияси кузатилади. Шимолий Каролинада ўтказилган тадқиқот агар Қўшма Штатлар болаликданоқ самарали ривожланиш дастурларидан фойдаланса, мамлакатда даромадлардаги тенгсизлик 7 фоизга камайишини кўрсатди. Бу эса АҚШнинг Канада даражасига эришиши учун етарли.

Инсон капиталига сармоя киритишдан жамият ҳам катта манфаат кўради. Узлуксиз мактаб таълими турли жиноятлар содир этилиши эҳтимолини камайтиради.

2017 йилда Либерияда наркотиклар савдоси билан шуғулланувчилар, ўғрилар ва жиноятга мойил бошқа эркаклар когнитив-ахлоқий терапияга йўналтирилиши бўйича тадқиқот ўтказилган. Бу уларга ўз ҳиссий ҳолатини англаб етиш, ўзини идора этишни яхшилаш ва мураккаб вазиятларда тўғри йўл тутиш каби кўникмаларни шакллантиришни кўзда тутган. Унчалик кўп харажат талаб этмаган дастур ушбу инсонларнинг жиноят оламига қайтиши эҳтимолини сезиларли даражада қисқартирди.

Инсон капитали шахснинг жамият ҳаётида иштирок этиши билан боғлиқ. 1970 йилларнинг ўрталарида Нигерияда умумий бошланғич таълим жорий этилиб, болаларнинг катта қисми бошланғич мактабларга қамраб олинди. Бир неча йил ўтиб, бу йигит ва қизлар янгиликлар билан қизиқиш, тенгқурлари билан сиёсат ҳақида суҳбат қуриш, палата йиғилишлари ва сайловларда иштирок этишни бошлади.

Инсон капиталига инвестиция киритиш ишонч даражасини ҳам оширади. Ўқимишли инсонлар бошқаларга кўпроқ ишонади, ишонч даражаси баланд бўлган жамият одатда нисбатан юқори иқтисодий ўсишга эришади. Шунингдек, улар анча сабрли ҳам бўлади: тадқиқотлар йигирманчи аср ўрталарида Европада амалга оширилган мактаб ислоҳотлари одамларнинг мигрантларга нисбатан бағрикенгроқ бўлишига хизмат қилган.

### Аён бўлган ҳақиқатлар

Инсон капитали ўз-ўзидан юзага чиқмайди, у давлат томонидан ривожлантирилиши лозим. Хусусан, кўпинча инсон камолоти учун инвестиция киритиш ва бу сармоянинг бошқаларга ҳам тарқалиши омили инобатга олинмайди.

Масалан, ота-оналар ўз фарзандининг гижжасини даволаш ҳақида қарор қабул қилар экан, аввало, унинг саломатлиги ҳақида қайғуради. Бироқ бу ҳаракатлар бошқа болаларнинг касалланиш хавфини камайтиришини эсламайди.

Ёки фарзанднинг боғчадаёқ кўпроқ билимга эга бўлиши учун пул сарфлаётган ота-оналарни олайлик. Улар шу орқали келажакда жиноятчиликнинг камайиши ва маҳбуслар сонининг қисқариши сингари янада кенгроқ ижтимоий аҳамиятга таъсир кўрсатаётганини эътиборга олмайди.

2010 йилда Мичиганда ишлаб чиқилган мактабгача таълим дастурларидан бирининг самарадорлиги ўрганилганда сарфланган ҳар бир доллар жамиятга 7 доллардан 12 долларгача фойда бўлиб қайтгани аниқланган.

Баъзи ҳолларда жамиятда қабул қилинган нормалар ота-оналарни ўз фарзандига сармоя киритишдан қайтаради. Ота-оналарнинг ўғлига қиз фарзандидан кўра кўпроқ эътибор қаратиши аввалдан маълум. Бироқ ушбу камситиш таъсири келгусида кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Масалан, Ҳиндистон ҳукуматининг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатда 21 миллионга яқин ана шундай "исталмаган қизлар" мавжуд. Бу қизалоқлар ҳам саломатлик, ҳам таълим нуқтаи назаридан ота-онасидан камроқ эътибор кўради.

Бошқа ҳолатларда оилалар ўз болаларига сармоя киритишни истайди, бироқ бунга қурби етмайди. Камбағал ота-оналарда истеъдодли болаларини мактабда ўқитишга пул тўлаши учун кредит олиш имкони йўқ. Ҳатто таълим бепул бўлган тақдирда ҳам улар транспорт ва мактаб харажатлари учун пул топиши зарур. Бола оилага қўшимча даромад келтириши учун ишлаши ва шу боисдан мактабда ўқий олмаслиги билан боғлиқ ҳолатларни айтмаса ҳам бўлади.

Ҳукуматларнинг инсон капиталига инвестиция киритиши муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, сиёсатчилар кўпинча бунга қарши турадилар. Амалдорларда ўзини оқлашга бир неча ўн йиллар талаб этадиган дастурларни қўллаб-қувватлаш учун рағбатнинг ўзи йўқ.

Мисол учун, эпидемия мавжуд бўлмаган ҳолатда сиёсатчилар жамиятдаги соғлиқни сақлаш аҳволига эътиборни сусайтириши мумкин. Аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича лойиҳалар солиқларни ошириш ёки янада муҳимроқ харажатлар, хусусан, инфратузилма ёки ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратилган маблағлардан бир қисмини олиш йўли билан молиялаштирилганига мисоллар жуда кам.

2012 йилда Нигерия ҳукумати оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун кўпроқ маблағ йўналтириш мақсадида мамлакатдаги ёқилғи маҳсулотларига субсидияларни бекор қилганида жиддий қаршиликка учраган эди. Ушбу масалани ОАВда ёритишда бор эътибор субсидияларнинг тўхтатилишига қаратилган ва жамият учун ўта зарур бўлган биринчи тиббий-санитар ёрдамни кенгайтириш масаласига кам аҳамият берилганди. Кенг миқёсдаги ижтимоий норозиликлардан сўнг субсидия қайта тикланган.

Баъзи давлатларда бундай норозилик қисман ижтимоий келишувнинг заифлиги билан изоҳланади: фуқаролар ўз ҳукуматига ишонмайди ва шу сабабдан, ўзларининг фикрича, кейинчалик изсиз йўқ бўлиб кетадиган солиқларни тўлашга иккиланади.

Ўзлигини намоён қилиш муаммоси ҳамма жойда мураккаб. Бутун дунёда ҳаддан ташқари кўп болалар ўқишни билмайди, чунки уларнинг ўқитувчилари етарли даражада билимга эга эмас. "Хизматлар кўрсатиш даражалари" ушбу муаммонинг туб моҳиятини очиб берган ташаббус бўлди. У Жаҳон банки гуруҳи томонидан Африка иқтисодий тадқиқотлар консорциуми билан ҳамкорликда Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган мамлакатларидаги маълумотларни тўплаш мақсадида илгари сурилган эди.

Еттита давлат – Кения, Мозамбик, Нигерия, Сенегал, Танзания, Уганда ва Тогода тўртинчи синф ўқитувчиларининг 66 фоизигина тил бўйича ушбу синф ўқув дастурини ўзлаштирган, 68 фоизи математикадан дарс бериш учун талаб этиладиган минимал билим даражасига эга экан.

Мазкур давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаётган тиббиёт ходимлари фақат 53 фоиз ҳолатда безгак, диарея, зотилжам, сил ва диабет сингари касалликларга тўғри ташхис қўя олган.

Ўзини намоён қилиш бу борада хизмат қилаётган инсонлар вазифасини сидқидилдан бажаришига етарлича рағбат бўлмаган жойларда ҳам мушкуллашади.

Юқорида тилга олинган етти давлатда ўқитувчилар белгиланган дарс соатларининг ярминигина ўтган. Кўп ҳолларда муаммонинг илдизи давлат хизматчилари маъмурий-буйруқбозлик авж олган шароитда, хизмат поғоналаридан кўтарилиш меҳнат натижасига эмас, балки таниш-билишлар билан алоқаларга қараб юз берадиган шароитларда ишлашига бориб тақалади.

Дарвоқе, ижобий мисоллар ҳам бор. Марказий ҳокимият, маҳаллий органлар ва хизмат кўрсатувчиларнинг мақсадлари муштарак келса, мамлакатлар инсон капиталини яхшилаш борасида катта муваффақиятларни қўлга киритиши мумкин. 2004 йилда Аргентинада Жаҳон банки гуруҳи кўмагида амалга оширилган "Plan Nacer" дастури ана шундай ижобий самара келтирган эди.

Дастур тиббий суғуртага эга бўлмаган оилаларга уни олишда ёрдамлашишни кўзда тутган эди. Унга мувофиқ, маблағлар ҳудудларга провинциядаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларининг қамрови ҳамда сифатини белгиловчи кўрсаткичлар, шунингдек, ушбу хизматларни яхшилашга туртки бўлувчи ёндашувлар асосида тақсимланди. "Plan Nacer" лойиҳаси бўйича моддий ёрдам олган провинцияларда чақалоқ дунёга келганида вазни меъёрдан паст бўлиши эҳтимоли 19 фоизга камайди.

Ривожланаётган мамлакатларда тобора кўпроқ аҳоли соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларининг яхшиланишини талаб қилмоқда. Масалан, Перуда фуқаролик жамияти гуруҳлари томонидан ташкил қилинган ташвиқот тадбирлари 2006 йилги сайловлар даврида болалар масаласининг сиёсий мунозараларда долзарб мавзуга айланишига олиб келди.

Сиёсатчилар ҳам, ўз навбатида, беш йил ичида болаларда бўй ўсишининг секинлашиш ҳолларини 5 фоизга камайтириш бўйича аниқ мақсад қўйиб, бунга муносабат билдирди. Мамлакат бу мураккаб вазифани ҳатто ортиғи билан уддалай олди: 2008 йилдан 2016 йилга қадар беш ёшгача бўлган болаларда бўй ўсишининг секинлашиш кўрсаткичлари тахминан 15 фоизга пасайди. Бу ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзгаришларга эришиш имкони борлигини кўрсатувчи яққол далилдир.

### Ўлчов кучи

Сиёсатчилар ва бюрократлар ўз ишини уддалай олмаса, камбағал аҳоли энг кўп азият чекади. Аммо одамларда ўзлари ҳақли бўлган хизматларни талаб қилиш усули бор: бу – шаффофлик. Ахборотдан кўпроқ хабардор бўлиш фуқароларга етакчилар ва давлат хизматчилари нималар қилаётгани ва нималар қилмаётганини билиш имконини беради.

Масалан, Угандада 2005 йилда жамоат ташкилотлари билан ишловчи тадқиқотчилар маҳаллий тиббий муассасалар ишини баҳолаш, сифати юқорироқ бўлган хизматларни талаб қилишга даъват этувчи махсус карточкалар чоп этишди. Ушбу оддий сиёсат билан соғлиқни сақлаш соҳасида вазиятнинг барқарор яхшиланиши, жумладан, беш ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлим ҳолатлари камайишига эришилди.

Шунга ўхшаш ҳолат 2001 йилда Германияда ҳам кузатилган. Талабаларни баҳолаш халқаро дастурининг ҳафсалани пир қилувчи натижаларидан сўнг "PISA шок" деб ном олган тадбир амалга оширилди – ҳукумат таълим соҳасида йирик ислоҳотлар ўтказиб, таълимни яхшилади.

Таълимни баҳолаш Танзанияда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2011 йилда "Twaweza" ноҳукумат ташкилоти Жаҳон банки гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда болаларнинг базавий саводхонлигини ҳисоблаш кўникмаларини аниқлашга бағишланган сўров натижаларини чоп этди. Натижа аянчли эди: ўн нафар учинчи синф ўқувчисидан фақат учтаси иккинчи синф дастурини ўзлаштирган, ундан ҳам кам бола иккинчи синфга мўлжалланган инглиз тилидаги матнни ўқий олган.

Ўша пайтларда хизмат кўрсатиш индикаторлари асосида сўров натижалари чоп этилди. У ўқитувчиларнинг камчилиги ва ўқувчиларнинг дарс қолдирмаслигини кўрсатди. Шундан сўнг рўй берган ижтимоий акс-садо Танзания ҳукумати томонидан ўқитишнинг паст даражаси муаммоларини ҳал қилишга қаратилган "Ҳозироқ юқори натижалар" дастури жорий қилинишига олиб келди.

Ушбу мисоллар шуни кўрсатадики, инсон капитали ривожланиши ҳолатининг ишончли таҳлилидан кенг фойдаланиш имконияти вужудга келмоқда. Бу таҳлил ҳукуматларни ҳаракат қилишга ундайди. Жаҳон банки гуруҳи томонидан инсон капиталининг асосий жиҳатларини қамраб олиш учун ишлаб чиқилаётган кўрсаткичлар мантиғи ана шундай.

Ушбу ўлчов инсон капиталига сармоя самарасиз бўлган мамлакатлар учун даъват бўлиб хизмат қилиши мумкин. Биз ўз ҳаракатларимизни соғлиқни сақлаш ва таълимга йўналтирамиз, асосларни ўрганиб борамиз. Ҳозир туғилган болалар мактаб ёшигача яшай олармикан? Агар яшаб қолса, мактабга бора олармикан? Улар неча йил ўқийди? Ўрта мактабни битиргунча улар соғ-саломат, келгуси ўқиш ва ишга тайёр бўла оладими?

Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда ёшларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилиши керак. Бенин, Буркина-Фасо ва Кот-д'Ивуарда бугун туғилган болаларнинг 10 фоизи ўзининг бешинчи туғилган кунини ҳеч қачон кўрмайди.

Жанубий Осиёда сурункали тўйиб овқатланмаслик натижасида беш ёшгача бўлган болаларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ўз ёшига нисбатан паст бўйли бўлиб, бу мия ривожланишига путур етказади ва ўқиш лаёқатига жиддий тўсқинлик қилади.

Бу таълим соҳасига ҳам тегишлидир. Таълимнинг аҳамиятини яхшироқ англаш учун Жаҳон банки гуруҳи ЮНЕСКОнинг Статистика институти билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш натижалари бўйича янги маълумотлар базасини ишлаб чиқди.

Биз 150 дан зиёд мамлакатни қамраб олувчи бир неча йирик тест дастурлари натижаларини PISA баҳолари билан қиёслаш мақсадида мувофиқлаштирдик. Маълумотлар базаси таълим соҳасида улкан муаммолар борлигини кўрсатди: ривожланаётган мамлакатларда ўқувчиларнинг қарийб 50 фоизи "профессионалликнинг энг паст даражаси" деб аталадиган муаммога дуч келади.

Сингапурда ўқувчиларнинг 98 фоизи, Жанубий Африкада 26 фоизи ўрта мактабда халқаро базавий даражага эришади. Бошқача айтганда, Сингапурда ўрта мактаб ўқувчиларининг деярли барчаси дунёнинг исталган жойида ишлаш учун етарли малакага эга. Жанубий африкалик ёшларнинг қарийб тўртдан уч қисми саводсиз. Бу инсон салоҳиятини йўқотиш.

Болалар мактабни битирар экан, қайси мамлакатда яшашига қараб соғлиғи борасида мутлақо турли истиқболларга дуч келади. Дунёнинг энг бадавлат мамлакатларида 15 ёшли ўсмирларнинг қарийб 5 фоизи ўзининг 60 ёшлигини қаршилай олмайди. Қашшоқ мамлакатларда 15 ёшли ўсмирларнинг 40 фоизи 60 ёшгача вафот этади.

Ушбу фактлар турли мамлакатларда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида улкан тафовутлар борлигини кўрсатади. Биз инсон капиталининг турли жиҳатларини бирлаштириш учун Жаҳон банки гуруҳида уларни ягона индексга йиғамиз. У ишчиларнинг келгуси авлоди меҳнати самарадорлигининг пасайиши нуқтаи назаридан инсон капиталига инвестиция киритмаслик оқибатларини намоён этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда инсон капиталига энг кам сармоя киритиладиган мамлакатларда келгусида ишчи кучининг самарадорлиги, агар одамлар тўлиқ соғлом бўлиб, сифатли таълим олса, эришиш мумкин бўлган кўрсаткич сезиларли пасайиб кетади.

Шу тарзда инсон капиталига сармоядан олинадиган иқтисодий фойдани ўлчаш соғлиқ ва таълим яхшиланишининг ижтимоий ва ички қийматини камайтирмайди. Молия вазирлиги, одатда, инсон капиталига сармоя киритишдан кўра, ўз мамлакатининг қарзлари ҳақида кўпроқ қайғуради.

Жаҳон банки гуруҳи инсон капиталига сармоя қилиш таъсирининг ижобий натижаларини тарғиб этиб, сиёсатчиларни нафақат банк ҳисобрақамлари, балки мактаблар ва касалхоналардаги ҳолатлар ҳақида ҳам қайғуришга руҳлантириши мумкин. Шунингдек, индекс инвестициялар даражаси пасайиб бораётган мамлакатлар учун ҳаракатга даъват бўлади.

"Doing Business" ҳисоботидан кўринадики, кенг кўламли ўлчовлар ҳолатида ҳам ислоҳотлар ҳар доим амалга оширилавермайди. Юқоридаги индекс давлат раҳбарлари ва молия вазирлари олдига кўз юмиб бўлмайдиган масала қўяди.

Мамлакатларнинг қиёсий таҳлили – бу фақат дастлабки қадам. Агар ҳукуматлар инсон капиталига қандай сармоялар самара олиб келишини аниқлаши амалда бўлса, инсон капиталини ривожлантиришга кўмаклашувчи турли омилларни ҳисобга олиши зарур бўлади.

Энг яхши кўрсаткич бу ижтимоий фаровонлик бўлиб, у кўп ҳолларда етарли даражада молиялаштирилмайди. Жаҳон банки гуруҳи амалий фойда келтириши мумкин: турли ҳамкорларнинг ҳаракатини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш, умумқамровли ахборотларни тўплаш, сиёсатчиларга маслаҳат бериш, техник ёрдам кўрсатиш ва самарали чораларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш.

### XXI асрда инсон капитали

Инсон капиталининг ривожланиши одамлар, иқтисодиётлар, жамиятлар ва бутун дунёда барқарорлик учун аҳамиятга эга. Бу келгуси авлодлар учун ҳам муҳимдир.

Мамлакатлар инсон капиталига самарали инвестиция қила олмас экан, айниқса, камбағаллар учун катта харажатлар юзага келади. Ушбу харажатлар келгуси авлодларни оғир аҳволга солиб қўяди.

Катта харажатларни талаб этувчи технологик тараққиёт туфайли фуқаролари самарали турмуш кечириши учун замин яратишга қодир эмаслик, нафақат юқори харажатлар билан бирга кечади, балки жиддий тенгсизликни келтириб чиқаради. Бу эса хавфсизликка ҳам таҳдид солади, зеро, қондирилмаган талаблар тартибсизликлар келтириб чиқариши мумкин.

Энг яхши маълумот – жавобнинг бир қисми, фақат бир қисми, холос. Биринчидан, агар маблағ етарли бўлмаса, ҳукумат сифатли хизмат кўрсата олмайди. Шу тариқа инсон капиталига сурункали тарзда инвестиция киритмайдиган мамлакатлар солиқ нуқсонлари ва истисноларини бартараф этишга, тушумлар йиғилишини яхшилашга ва харажатларни қайта йўналтиришга мажбур бўлади.

Масалан, Миср ва Индонезия сўнгги йилларда энергетик субсидияларини кескин камайтирди ва ушбу ресурсларни ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантиришга қайта йўналтирди.

2012 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда тамаки маҳсулотларига солиқлардан олинган даромад Филиппинга соғлиқни сақлаш департаменти бюджетини ҳамда тиббий суғурта билан қамраб олинган аҳоли улушини уч баробар ошириш имконини берди.

Америка Қўшма Штатларининг Филадельфия шаҳри газли ичимликлардан ундириладиган солиқни мактабгача таълимни молиялашда фойдаланишга интилмоқда.

Аммо молиялаштириш ҳажмини оширишнинг ўзи етарли эмас. Айрим мамлакатлар ижтимоий хизматлар сифатини сақлаган ҳолда, уларнинг самарадорлигини ошириш устида ишлашга мажбур. Масалан, Жаҳон банки гуруҳи томонидан яқинда Бразилияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маҳаллий даражада соғлиқни сақлаш секторида самарадорликнинг оширилиши ЯИМнинг тахминан 0,3 фоизига тенг тежамкорликни таъминлаши мумкин.

Бошқа айрим мамлакатларда рақобатлашувчи томонларнинг манфаатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Чилининг таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги кўп йиллик тажрибаси асосий мақсадлардан бири: бутун эътиборни таълим ҳамма учун қоидасига қаратиш йўлида сиёсий коалициялар тузишнинг муҳимлигини кўрсатди.

2004 йилда мамлакат ислоҳотлар ўтказиш ва ўқитувчиларнинг касаба уюшмаларига ён бериши орқали ўқитувчиларга ҳақ тўланишига эриша олди.

Иш нимадан бошланишидан қатъи назар, энг яхши ўлчов ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Алал-оқибат, сиз фақат ўлчай оладиган нарсанигина такомиллаштиришингиз мумкин. Аниқ-тиниқ ўлчовларгина қандай ислоҳотлар зарурлигининг барча томонидан тушунилишига олиб келади. Шунингдек, улар устуворлик тўғрисидаги масалаларга аниқлик киритиши, фойдали музокараларга асос бўлиши ва ошкораликни кучайтириши мумкин.

1949 йилда Жаҳон банки президенти Жон МакКлой шундай ёзган эди: "Тараққиёт – бу тахтага чизиш, сўнгра сеҳрли таёқча ва доллар билан ҳаётга жорий қилиш мумкин бўлган нарса эмас".

МакКлойнинг фикрича, тараққиёт концепциялари ва уларни амалга ошириш ўртасида кўп ҳолларда узилишлар бўлган. Айнан шу узилишларни Жаҳон банки гуруҳининг инсон капитали индекси ёрдамида бартараф этиш мумкин бўлади.

Янги ўлчовлар мамлакатларни имкон қадар тезроқ инсон капиталига сармоя қилишга ишонтиради. Бу барчани келажак иқтисодиётига – у ерда учраши мумкин бўлган барча нарсаларда рақобатга ва фаровонликка тайёрлайди. Ва бу глобал тизимга барча бирдай амал қилишига кўмаклашади. Инсон капиталига инвестиция қилишга қодир бўлмаслик тараққиёт учун, бутун инсоният учун ниҳоятда қимматга тушади.

FIFA WORLD CUP RUSSIA 2018

# МАТОНАТИНГГА БАЛЛИ, ХОРВАТИЯ!

***Кеча Москвадаги "Лужники" стадионида Англия — Хорватия терма жамоалари ўртасида иккинчи ярим финал учрашуви бўлиб ўтди.***

Ушбу ўйинда умидли, ёш ўйинчилардан ташкил топган, барча футболчилари ўз Ватани клубларида тўп сураётган тезкор Англия жамоаси фаворит ҳисобланаётганди. Бироқ хорватларнинг комбинациявий ўйинларидан ҳам кўп нарсани кутиш мумкин эди.

Учрашувни инглизлар ҳужумларни енгил тарзда уюштиришдан бошлашди. Бешинчи дақиқадаёқ белгиланган жарима тўпини Миржалол Қосимов услубида қойиллатиб бажарган ҳимоячи Киран Триппьер (ҳимоячилар ўз киритган голлари билан чемпионатда ҳужумчиларга деярли етиб олишди) ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Шу тариқа биринчи бўлим инглизларнинг тез-тез уюштирган ҳужумлари остида ўтган бўлса-да, бироқ барча плей-офф ўйинларида бўлганидек, бу гал ҳам инглизлар сардори, чемпионатнинг энг сермаҳсул тўпурари Гарри Кейннинг ўйини унчалик қовушмади.

Хорватларнинг ўйинини эса жамоа двигатели номини олган, ҳеч чарчамайдиган Лука Модрич оқилона тарзда бошқариб турди.

Иккинчи таймда Хорватия термаси чемпионат бошланишида Аргентина ва Нигерия терма жамоалари билан кечган ҳужумлар ва комбинациявий ўйинларини яна тиклашга муваффақ бўлишди. Уларнинг тўп оширишлари қисқа ва аниқ, жарима майдонига ёриб киришлари хавфли эди.

Хорватларнинг саъй-ҳаракатлари бежиз кетмади. 68-дақиқада майдонда жуда фаол ҳаракат қилган Иван Перишичнинг оёғи учининг таги орқали берган ўзига хос аниқ зарбаси орқали мувозанат тикланди — 1:1.

Бундан руҳланган Хорватия терма жамоаси инглизларга қарши босимни янада кучайтирди. Ўзини анча йўқотиб қўйган Англия терма жамоасини эса таниб бўлмасди.

77-дақиқада Перишичнинг яна бир кучли зарбаси устунга тегиб қайтганидан сўнг учрашувда хорватларнинг ғалаба қозонишларига деярли шубҳа қолмади. Шу орада Манжукичнинг жуда кучли зарбасини Пикфорд қайтара олди.

Асосий вақт 1:1 ҳисобида якунлангандан сўнг қўшимча вақтда ҳам кучли жисмоний тайёргарликка эга Хорватия термаси суръатни бўшаштирмади. 109-дақиқада инглиз ҳимоячилари хатосидан сўнг ўйин қаҳрамони Перишич узатмасини Манжукич аниқ зарба билан якунига етказди — 2:1.

Шундан сўнг инглизлар ўйинларини бир оз кучайтирган бўлсалар-да, тўп кирита олишмади.

Чемпионат кашфиёти ҳисобланмиш Хорватия терма жамоасининг бош мураббийи Златка Даличнинг икки марта ўйиндан кейинги пенальтилар баҳсида ғолиб чиқиб, сўнгги ўйинда 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраб туриб ғалабага эришган матонатли шогирдлари ўз тарихларида энг юқори муваффақиятни қўлга киритган ҳолда кўпчилик мутахассисларнинг тахминларига зид ўлароқ финалга йўлланма олдилар. Яъни, 1998 йилги жаҳон чемпионатида Хорватияга фахрли учинчи ўрин насиб этган бўлса, бу гал улар камида кумуш медалларни нақд қилиб қўйишди. Энди 14 июлда учинчи ўрин учун беллашувда иккинчи бор Бельгия ва Англия терма жамоалари майдонга тушади.

15 июлда бутун курраи заминдаги барча футбол мухлисларининг нигоҳи яна Москвага қаратилади — жуда сермаҳсул ва кутилмаган натижаларга бой тарзда ўтаётган чемпионат финалида энг кучли таркибга эга Франция терма жамоаси тезкор Хорватия футболчилари билан баҳс юритади. Бу демак, ё французлар йигирма йилдан сўнг иккинчи бор зафар қучадилар ёки Хорватия терма жамоаси жаҳон чемпионатлари тарихига ўз номларининг зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилишига эришадилар.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

## Спорт янгиликлари



# МАҲАЛЛА ЖАМОАЛАРИ ЎЗАРО КУЧ СИНАШАДИ

***ЎФА ташаббуси билан апрель-май ойларида мактаб ўқувчилари ўртасида "Чарм тўп" мусобақаси ўтказилган эди.***

Эндиликда футбол эстафетаси маҳалла ёшлари ўртасида давом этадиган бўлди. ЎФА томонидан маҳалла ёшлари ўртасида "Чарм тўп" мусобақасининг минтақавий ва республика босқичини ўтказиш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар режасига кўра 17-22 ёшли маҳалла ёшларидан тузилган жамоалар июль-август ойларида 4 босқичли тизимда ўзаро баҳс олиб боришади.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, ЎФА, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорликларида ташкил этилаётган "Чарм тўп" мусобақасининг финал раундига "Миллий" стадиони мезбонлик қилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ БИРИНЧИ ЎРИНДА

***Шу кунларда Таиланднинг Бангкок шаҳрида ёшлар ўртасида Осиё чемпионати беллашувлари бўлиб ўтмоқда.***

Минтақавий (континентал) саралаш ҳисобланган Осиё чемпионатида ядро ирғитиш баҳсларида Ригина Адашбоева биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, босқон улоқтириш беллашувларида Роксана Худоёрова ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Спортчиларимизда муҳим паллаларда рақиблари кўрсатган натижалардан юқорилаш учун етарли даражада куч ва маҳорат топилди.

Шундай қилиб, ҳар икки спортчимиз Аргентинада бўлиб ўтадиган ёшлар олимпиадасига йўлланмаларни қўлга киритди. Енгил атлетикачиларимизни келгуси мусобақаларда ҳам ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олишларига ишонамиз.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

## Қарор ва ижро

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН ҚАДАМ

***Мамлакатимизда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, соғлигини муҳофаза қилиш, турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш бугунги куннинг энг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир.***

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам бу борадаги ишларни олиб боришда дастуриламал бўлиб, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга шарт-шароитлар яратишда кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Чилонзор туманидаги "Баркамол авлод маркази"да Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган "Ҳунарманд уюшмаси кунлари" тадбири ҳам хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда Чилонзор туман ҳокимлиги, "Иффатли келин" ўқув маркази, туман "Оила" маркази вакиллари, иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар ва Зулфия мукофоти совриндорлари иштирок этди.

– "Ҳунарманд уюшмаси кунлари" тадбирини ташкиллаштиришдан мақсад хотин-қизларда ҳунармандчилик кўникмаларини шакллантириш ва уларга ҳунар ўргатиш орқали бандлигини таъминлашдан иборатдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси раиси ўринбосари Акобир Ҳакимов биз билан суҳбатда. – Шу мақсадда уюшма ҳисобидан 2 ойлик бепул "Ҳунарманд уюшмаси кунлари" деб номланган ўқув курсларини республикамизнинг барча ҳудудларида очмоқдамиз. Бунда, номоддий ва маданий меросимизни янада кенг оммалаштириш, халқимизнинг маънавий ва маданий ҳаётини тарғиб қилиш, меҳнатга лаёқатли ва ҳунар ўрганишга истаги бўлган хотин-қизларни уюшма ҳисобидан мазкур курсларда таҳсил олишига кўмаклашилади. Ўқув машғулотлари доирасида маҳоратли ҳунармандлар, тадбиркор аёллар иштирокида семинар-тренинг, маҳорат дарслари, Зулфия давлат мукофоти совриндорлари иштирокида давра суҳбатлари ва ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилиши режалаштирилган.

Дарҳақиқат, "Ҳунарманд уюшмаси кунлари" тадбирлари доирасида уюшма томонидан туманнинг меҳнатга лаёқатли ва ҳунар ўрганиш истаги бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун ташкил этилган 2 ойлик ўқув курсларининг очилиши яна бир эзгулик йўлида қўйилган хайрли қадамдир.

Зеро, хотин-қизларнинг маънавияти ва маданиятини янада юксалтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва шу билан бирга маълум бир меҳнат тури билан банд бўлмаган, ижтимоий фаоллигини намоён эта олмаган хотин-қизларни жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдамлашиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Аёлларимизнинг орзу-ниятлари йўлидаги фаоллигини оширишда, касб-ҳунар ўрганиши учун имкониятлар яратишда, бандлигини таъминлашда, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантиришда, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда бу каби эзгуликка йўғрилган тадбирлар ўз самарасини албатта беради.

Тадбир сўнгида Чилонзор туманидаги хотин-қизларни ҳунарга жалб этиш мақсадида каштачилик ва оддий металлдан миллий услубда тақинчоқлар тайёрлаш курслари ташкил этилди. Унда 40 дан ортиқ аёллар икки ой давомида ҳунар ўрганадилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## "101"

# БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

***Моддий-маънавий бойликларни асраш, уларни ёнғин офатидан ҳимоялаш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган.***

Халқ хўжалигидаги барча ютуқларни асраш ва уни кўпайтиришга ҳисса қўшиш ҳар бир ташкилот ва идора меҳнат жамоаси, ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлмоғи керак. "Ёнғинлар профилактикаси куни" тадбирларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш, ёнғин инсонлар ҳаётига зарар келтириши хусусида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Лекин профилактик тадбирлар, ўтказилган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларига қарамасдан тадбирларимиз ёки ўтказилган йўриқномаларга айрим эътиборсиз, лоқайд қараб келган фуқароларимиз туфайли ёнғинлар содир этилмоқда.

Шу ўринда ёнғинларнинг олдини олишда барча бирдек масъул эканлигини эслатиб ўтмоқчи эдик.

**Азамат ТИШАБАЕВ,**
**ЎзМТРК ЁХБ инспектори, сержант**

* * *

Сергели тумани ҳудудида "Обод маҳалла" дастури доирасида амалга оширилиши лозим бўлган асосий ташкилий ва амалий тадбирлар режасига асосан, "Обод маҳалла" дастурига киритилган 8 та маҳалла яъни, "Дарё бўйи", "Нилуфар", "Ўзгариш", "Хонобод", "Қипчоқ", "Чоштепа", "Учувчилар", "Олтин Водий" маҳаллалари ҳудудларида ёнғин хавфсизлиги ҳолати бўйича кенг қамровли профилактик тадбир ўтказилмоқда.

Туман мутасадди идоралари вакиллари, туман ҳокимлиги, прокуратура, туман Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, ХУЖМШ раҳбарлари, туман газ ва электр таъминоти ходимлари, туман ободонлаштириш бошқармаси ва бир қатор бошқа ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллалар ҳудудидаги жами мавжуд 63 та кўча, 130 та кўп қаватли аҳоли яшаш уйлари, уйлардаги барча йўлаклар ҳамда 4600 та хонадоннинг хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар жараёнида аниқланган, кўп йиллардан бери ҳал этилмай келаётган муаммо ва камчиликлар "Обод маҳалла" дастури бўйича Сергели тумани ишчи гуруҳи томонидан камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тузилиб, ижроси назоратга олинди ва бартараф этилишига эришилмоқда.

**Н.БУРХАНОВ,**
**Сергели тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, сержант**

* * *

"Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

"Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш. Электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш. Қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик.

Белгиланган қоидаларга риоя қилинса, биз уйимиз, ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойи, қолаверса ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраган бўлади.

**Латофат ПАХРИДДИНОВА,**
**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси инспектори, сафдор**

# ОИЛА МУҲИМ ҲАЁТИЙ ҚАДРИЯТЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

***"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий олам" мавзуида ижтимоий сўров ўтказилди. Унда Ўзбекистон жамоатчилигида оила ва никоҳ, фарзандлар туғилиши ва тарбияси, баркамол авлодни вояга етказиш масалалари бўйича тенденциялар аниқланди.***

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида оила институти, маънавий-ахлоқий асослар ва анъанавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларни никоҳ ва оилавий ҳаётга тайёрлаш, низоли ҳолатлар, ажралишларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўров шуни кўрсатдики, оила фуқаролар учун замонавий жамиятнинг энг муҳим мақсадларини белгилайдиган муҳим ҳаётий қадрият ҳисобланади.

Мониторинг натижаси оила қуришдаги энг мақбул ёш – эркаклар учун 24-25, аёллар учун 21-23 ёш, деб ҳисоблайдиган фуқаролар сони кўпайганини кўрсатди.

Тадқиқот жараёнида фуқаролар ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарурлигини тушуниб етаётгани аниқланди.

Аксарият сўров иштирокчилари (93,8 фоиз) никоҳ қураётган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш шарт, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, бу соғлом фарзанд туғилиши, соғлом оила шаклланишига хизмат қилади.

Сўров натижаларига кўра, аксарият фуқаролар (98,8 фоиз) никоҳ тузишда ФХДЁ органларида рўйхатдан ўтиш шарт, деб ҳисоблайди.

Юртдошларимиз турмуш қуришда ота-она дуосини олиш муҳимлиги борасида якдил эканини намоён қилди. Аксарият аҳоли (99,5 фоиз) ёши, этник келиб чиқиши, моддий жиҳатдан таъминланганлик даражасидан қатъи назар, ёш оила учун ота-она дуоси оилавий бахтнинг асосий шарти ва кафолати, деб эътироф этмоқда.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўров шуни кўрсатдики, аксарият фуқаролар учун фарзанд оила мазмуни ҳисобланади. 68,3 фоиз фуқароларнинг фикрича, икки ёки уч нафар фарзанди бор оилани тўлиқ, фаровон ва бахтли оила, деб ҳисоблаш мумкин. Фуқаролар аёлнинг 22 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёши – биринчи фарзанд туғилиши учун энг мақбул давр эканини билдирган. Тўнғич фарзандни дунёга келтириш учун 23-25 ёш бўлиш энг муносиб ёш, деган фикрдаги респондентлар сони ҳам ортган.

Ўзбекистонда расмий никоҳдан ўтган эр-хотиннинг бирга яшаши оила-никоҳ муносабатларининг анъанавий ва кенг тарқалган меъёрларидан саналади. Сўровнинг 87,7 фоиз иштирокчиси эр-хотин эканини билдирган. Қатнашчиларнинг қарийб ярми (44,7 фоиз) – нуклеар, яъни эр-хотин ва болалар ҳисобланади.

42 фоиз сўров иштирокчиларининг оиласида низолар содир бўлиб туради. Маълум бўлишича, оиладаги низолар асосан эр-хотин ўртасида юз беради, кейинги ўринда қайнона ва келин ўртасидаги можаролар туради.

Жамоатчилик фикри шуни кўрсатдики, фуқароларнинг 64,4 фоизи ҳар бир ҳаракатини маҳаллада қабул қилинган ахлоқ қоидалари ва меъёрларидан келиб чиқиб амалга оширади. 38,7 фоиз фуқаролар оилада мураккаб вазиятлар юз берганда, маҳалланинг ахлоқий-руҳий мададига таянади. Мамлакатимизнинг аксарият фуқароси (70 фоиз) ажралишларга нисбатан салбий муносабатда. Тадқиқот Ўзбекистонда оила жамият учун ўзининг ижтимоий ва ахлоқий аҳамиятини сақлаб қолганини кўрсатди.

Ўзбекистон аҳолиси Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, оила институтини мустаҳкамлаш, эр-хотин, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган амалий чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

**"Ижтимоий фикр"**
**жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази**
**материаллари асосида**
**ЎзА мухбири**
**Аблай КАМОЛОВ тайёрлади**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан Салимова Хулкар Ахмеджановна номига 2008 йилда берилган В № 371637 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Джураев Анвар Худайкулович номига 13.07.2018 йилда берилган адвокатлик хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Кафил суғурта" МЧЖ Тошкент вилояти агентлигида қатъий ҳисобда турувчи Аҳолининг турар жой иморатлари ва уй-рўзғор буюмларини комплекс суғурта қилиш бўйича қуйидаги АММ: 0088699, 0089032, 0089078, 0089079, 0089092, 0088558, 0102117, 0102118, 0102120, 0102129, 0102182, 0102198, 0102200 рақамли 13 (ўн уч) дона полислар йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси жамоаси партия фахрийси, Савдо-саноат палатаси Жамоатчилик кенгашининг фахрий аъзоси Дилбар Носирова ва оила аъзоларига акаси **Баҳодир ФАРМОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

**Сизнинг фарзандингиз иқтидорлими? Фарзандингизни чуқурроқ билим олишини хоҳлайсизми? Унда бизнинг мактабга ташриф буюринг**

***Сергели туманидаги 6-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сонли қарорига асосан 2018-2019 ўқув йили учун математика ва инглиз тили йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган 2-синфларга қабул бўйича танлов бўлиб ўтади.***

Танловда иштирок этиш учун жорий йилнинг 1 июлидан 31 июлига қадар соат 9.00 дан 17.00 гача танлов Комиссиясига зарур ҳужжатларни тақдим этишингиз сўралади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Мавзе-2, 46-уй.

Мурожаат учун телефон: (8 371) 258-24-64.

Фарзандингизнинг келажагига бефарқ бўлманг!

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан Ахмедова Фазилат Ботировна номига 2.09.2018 йилда кириб-чиқиш учун бериладиган 648 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **13 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 38-40 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 июлда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 735

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5313 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345